



Ўзбекистон Республикаси
Судъялар олий кенгаши

АХБОРОТНОМА

Кенгашнинг 2024 йил 1- ярмидаги
фаолиятига оид

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгашининг
2024 йил 1- ярмидаги
фаолиятига оид

АХБОРОТНОМА

Ахборотномада судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатларининг таҳлили, замонавий ахборот-технологияларни жорий этиш, судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари, суд фахрийларини рағбатлантириш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, Кенгаш ташаббуси билан нашр этилган китоб ва қўлланмалар ҳамда ибрат мактабини яратиш билан боғлиқ қилинган ишлар жамланган.

Судьяларни танлаш ва лавозимлариға тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

**Шавкат Миromонович Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

КИРИШ

Жорий йилнинг ўтган олти ойида Судьялар олий кенгаши фаолиятида халқаро ҳамкорлик алоҳида қўзга ташланади. Бу даврда ўзбек судьялари ҳамжамияти вакиллари Испания қироллигининг Судьялар бош кенгаши ҳамда Судьялар мактаби фаолияти билан яқиндан танишди, судьялик лавозимларига номзодлар тайёрлаш, судьялар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг узлуксиз таълими бўйича тажриба алмасилди.

Шунингдек, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг Судьялар кенгашлари вакилларидан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюриб, юртимида изчил амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари, айни жараёнда суд мустақиллиги, судьялар дахлсизлиги самарали таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди, айниқса, судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, лавозимга танлаш ва тайинлаш бўйича жорий этилган янги тартиблари уларда катта қизиқиш уйғотди. Яқин ва узоқ хориж давлатларнинг судьялар ҳамжамияти вакилларининг ташрифи, аввало – эътибор, ҳамкорликка оид таклифлари эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳақли эътирофи ҳисобланадики, буларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбари фармони (16. 01. 2023 й., ПФ-11-сон) билан тасдиқланган “2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишининг қисқа муддатли Стратегияси”нинг амалдаги ифодасидир.

Стратегияда «Инсон қадри учун» ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзинингишончиҳимоячисини кўришига эришишасосий вазифасифатида белгиланди. Шунингдек, унда судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, суд ишига аралашиб ҳолатларининг олдини олиш масалалари ҳам устувор вазифалар қаторида қайд этилди. Бундан ташқари ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб, судьялик штат бирликлари сонини босқичма-босқич ошириб бориш белгиланди.

Мазкур тўплам юқорида қайд этилган фармон ижроси, хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган Конституция ва Кенгаш фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган ваколат ва вазифаларидан келиб чиқиб, судьялар корпусининг шакллантириш, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш бўйича Судьялар олий кенгашининг 2024 йилнинг биринчи ярмида оширган ишлари сарҳисобидир.




Судьялар корпусини шаклантириш

2024 йил 1 июль ҳолатига фаолият күрсатаётган судьялар ва вакант судьялик лавозимлари ҳақида маълумот

Судлар номи	Штат бирлиги	Шундан				
		Ишлаётган	Вакант			
Олий суд	73	70	95,9%	3	4,1%	
Умумюрисдикция судлари	1273	1152	90,5%	121	9,5%	
Шундан	Вилоят судлари	385	370	96,1%	15	3,9%
	Туманлараро, туман (шаҳар) судлари	888	782	88,1%	106	11,9%
Маъмурий судлар	173	171	98,8%	2	1.2%	
Шундан	Вилоят судлари	102	101	99,0%	1	1.0%
	Туманлараро судлари	71	70	98,6%	1	1.4%
Ҳарбий судлар	12	12	100,0%			
ЖАМИ	1531	1405	91,8%	126	8,2%	



Вакант судьялик лавозимлари кўрсаткичи динамикаси



2024 йил 1 сентябрь ҳолатига **39** та ёки **2,5 %** судьялик лавозимлари вакант.

Судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш




2024 йилнинг 1-ярмида судьялик лавозимларига биринчи мартда тайинланадиган номзодларни судьялик лавозимига саралаш танловида иштирок этиш учун жами **16** та ариза келиб тушган. Шундан, **11** та жиноят ишлари бўйича, **3** та фуқаролик ишлари бўйича, **2** та иқтисодий судларнинг судьяси лавозимига иштирок этиш учун тақдим этилган.

Судлар	Жами келиб тушган аризалар	Шундан	
		имтиҳондан ўтган	имтиҳондан ўтмаган
Жиноят	11	4	7
Фуқаролик	3	3	-
Иқтисодий	2	-	2
Маъмурӣ	-	-	-
ЖАМИ	16	7	9

Кенгаш томонидан 2024 йилнинг 1-ярмида **9** маротаба мажлис ўtkазилган бўлиб, унда жами **259** та масала муҳокама қилинган. Шундан, **235** та судьялик лавозимига тайинлаш, **24** та судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласи муҳокама қилинган.

Ўтказилган мажлислари	Кенгаш кўриб чиқилган масалалар	Шундан	
		Судьялик лавозимига тайинлаш масаласи	Судьянинг ваколат муддатидан илгари тугатиш масаласи
9	259	235	24

Судлар	Жами мухокама қилинган номзодлар	Шундан					
		Муносиб деб топилган		Номуносиб деб топилган		Рад этилган	
		сони	%	сони	%	сони	%
Олий суд	7	7	100%				
ЖИБ судлар	45	26	57,7%	19	42,2%		
ФИБ судлар	48	40	83,3%	8	16,6%		
Иқтисодий судлар	28	26	92,8%	2	7,1%		
Маъмурӣ судлар	20	19	95%	1	5%		
Ҳарбий судлар							
Қайта тайинланганлар	87	59	67,8%			28	32,1%
ЖАМИ	235	177	75.3%	30	12.7%	28	11.9%



Судьялик лавозимига тайинлаш масаласида мухокама қилинган **235** нафар номзоднинг **177** нафари ёки **75.3** фоизи судьялик лавозимига муносиб деб топилган, **30** нафари ёки **12.7** фоизи судьялик лавозимига номуносиб деб топилган, **28** нафари ёки **11.9** фоизини қайта тайинлаш рад этилган.


Судьялик лавозимига муносиб номзодлар	Шундан			
	Беш йил муддатга	Навбатдаги ўн йил муддатга	Судьялик лаво- зимининг муд- датсиз даврга	Қайта тайинланган
177	8	107	3	59

Бундан ташқари, **7** нафар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритилган.

Хозирда Кенгаш томонидан янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тавсия этилган **58** нафар номзоднинг ҳужжатлари ўрганилмоқда.

Судьялик лавозимида илк бор тайинланган номзодлар ҳақида маълумот

2024 йилнинг 1-ярмида Кенгаш томонидан беш йил муддатга судьялик лавозимларига **7** нафар номзод муносиб деб топилган бўлиб, уларнинг **4** нафари жиноят ишлари бўйича судга, **3** нафари фуқаролик ишлари бўйича суд судьялигига тайинланган.



Ўн йиллик муддатга тайинланган (сайланган) судьялар ҳақида маълумот



2024 йилнинг 1-ярмида судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига **107** нафар номзод муносиб деб топилган.

Жумладан **5** нафари Олий суднинг судьяси, **21** нафари жиноят ишлари бўйича, **37** нафари фуқаролик ишлари бўйича, **26** нафар иқтисодий, **19** нафари маъмурий суднинг судьяси лавозимида тайинлаш учун кўрсатилган.



Ҳозирги кунда **926** нафар ёки **62,1** фоиз судья **10** йиллик муддатда ишламоқда.

Муддатсиз даврга тайинланган (сайланган) судьялар бўйича маълумот

2024 йилнинг 1-ярмида судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига **3** нафар номзод муносиб деб топилган. Хусусан, **2** нафари Олий суднинг судьяси, **1** нафари жиноят ишлари бўйича туман суднинг раиси лавозимига тайинланган. Ҳозирги кунда **54** нафар судья муддатсиз даврида ишламоқда.

Судьялик ваколати муддати даврига қайта тайинланган судьялар бўйича маълумот

Ҳисобот даврида Кенгаш томонидан **59** нафар судья ваколат муддати даврига бошқа судьялик лавозимларига қайта тайинланган бўлиб, шундан **35** нафари жиноят, **16** нафари фуқаролик, **7** нафари иқтисодий, **1** нафари маъмурий судларнинг судьяси лавозимларига қайта тайинланган.



Ваколатлари муддатидан илгари тугатилган судьялар

2024 йилининг 1-ярмида Судьялар олий кенгаши томонидан жами **20** нафар судьянинг ваколат муддати илгари тугатилган.

	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 1-ярми
Ваколат муддатини тугатиш сабабли	16	27	54	20
Ёзма аризасига кўра	4	8	30	9
Судьялик қасамёдини бузганлиги учун	8	11	22	5
Судьялик одоб кодекси талабини бузганлиги учун	4	8	2	6

Суд тизимида фаолият юритган аёл судьялар

2024 йилнинг 1-ярмида Республика бўйича **1405** нафар судья фаолият юритган бўлиб, шундан **193** нафарини ёки **13,7%** аёл судьялар ташкил этди. Аёлларнинг **24** нафари раҳбар лавозимларга тайинланган.

Аёл судьяларни суд ихтисослиги бўйича фаолияти


Ўзбекистон Республикаси олий суди	Фуқаролик ишлари бўйича судлар	Жиноят ишлари бўйича судлар	Иқтисодий судлар	Маъмурӣ судлар	Жами
13	106	31	26	17	193

Тизимда **25** та юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга судьялар фаолият кўрсатади, **59** нафар судьялар давлат мукофотлари билан тақдирланган.





Судьяларнинг ёши ҳақида маълумот



Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш





2024 йилнинг 5 март куни Олий суд, Судьялар олий кенгаши, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда “East-west management institute” НТТ Ўзбекистондаги филиалининг “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган ажуманда мамлакатимизнинг фаол аёл судьялари, уларнинг Қирғизистон ва Грузиядан ташриф буюрган ҳамкасабалари, шунингдек, Зимбабве давлати вакилалари (онлайн тарзда) иштирок этди.

Судья аёлларимиз сони 200 нафардан ошди, бу умумий судьяларнинг салкам 15 фоизини ташкил қиласди. Уларнинг 28 нафари раҳбар судьялик лавозимларига тайинланган. Албатта, ютуқлар ўзимизники, бироқ амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали етарли. Чунки, Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларига кўра, судьялар орасида хотин-қизлар улушини 2025 йилда



20 фоизга, 2030 йилда 30 фоизга етказиш назарда тутилган. Аёл судьяларни рағбатлантириш ҳамда қўлла б - қувватлаш мақсадида уларнинг отоналарини ташаккурнома билан тақдирлаш йўлга қўйилди.

Халқаро хотин-қизлар куни



Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Кенгашда мўъжазгина тадбир ўтказилди. Сана баҳонаи сабаб тизимда юксак обрў-эътибор қозонган, зиммасидаги бурчини бенуқсон адо этиб, жамиятда одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва ёш судья кадрларни етиширишга муносиб ҳиссасини қўшган аёл судьялар меҳнатлари ҳақли равишда эътироф этилиб, уларга “Суд фахрийси” кўкрак нишони топширилди. Шунингдек,

намунали фаолият кўрсатаётганларга Кенгашнинг эсадалик совғалари топширилди.

Тадбир онлайн шаклда ўтганининг кўпам аҳамияти йўқ. Чунки, гап масофада эмас, балки эътиборда. Қолаверса, масофа узоқ бўлгани билан кўнгил яқин барибир. Буни узоқ давом этмаган бўлса-да, ўзгача шукуҳ ва завқ билан ўтган тантанали тадбир, унда айтилган ҳаяжонли, бироқ бирдай самимий ният-тилакларда яққол сезилди.


Судьялар олий кенгаши намунали фаолият кўрсатиб келаётган судьяларни турли шакл ва кўринишда рағбатлантириб келмоқда, Халқаро хотин-қизлар куни билан ўтказилган тадбир шуларнинг бири ҳисобланади. Уларнинг барчасида “Инсон қадри” тамойили акс этмоқда.





Судьялар дахлизилигини таъминлаш

Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги



2024 йилнинг биринчи ярмида **373** та хизмат текшируви ўтказилган бўлиб, **259** та интизомий иш қўзғатилган, **164** нафар судьяга интизомий жазо қўлланилган. **14** нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатилган, **57** нафар судьяга нисбатан “ҳайфсан”, **18** нафар судьяга нисбатан “жарима”, **75** нафар судьяга нисбатан “огоҳлантириш”, **95** нафар судьяга нисбатан интизомий иш тугатилган. Қўзғатилган интизомий ишларнинг **159** таси фуқаролик, **146** таси жиноят, **47** таси иқтисодий, **21** таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади.

Шу жумладан, **32** та интизомий иш судлар томонидан чиқарилган хуссий ажримлар, **167** таси Олий суд ва вилоят судлари томонидан судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра **174** таси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида қўзғатилган. **69** нафар судья билан профилактик сухбат ўтказилди.

Интизомий иш қўзғатиш асослари

Интизомий иш	32	Судья билан профилактик сухбат ўтказилди	69
Олий суд ва вилоят судлари	167	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари	174



Интизомий иш құзғатилған ҳолатлар ҳудудлар кесмінде

Қарақалпоғистон
Республикасы



Таҳлилларга күра, интизомий ишларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳар **59, Тошкент вилояти **39**, Сурхондарё вилояти **35**, Қашқадарё вилояти **34**, Навоий вилояти **57**, Самарқанд вилояти **32**, Бухоро вилояти **26**, Фарғона вилояти **23**, Жиззах вилояти **20** Қарақалпоғистон Республикаси **20** күрсаткичларига түғри келади. Мазкур интизомий ишларнинг **27** таси Кенгаш томонидан, **40** таси Олий малака ҳайъати томонидан, **306** таси жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан үтказилған хизмат текширувлари асосида құзғатилған.**

Коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари



Судьялар олий кенгаши ва “Минтақавий мулокот” (Словения) ноҳукумат халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур тадбирда халқаро эксперталар, ҳуқушунос олимлар ва мамлакатимизнинг жиноят ишлари бўйича судлар судьялари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг биринчи кунида коррупцион жиноятларнинг хос хусусиятлари, мураккаблиги келиб чиқиб, дастлабки суд эшитувидан ҳукмгача бўлган жараёнлар, хусусан, рақамли далилларнинг олиш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, гувоҳлар билан ишлаш, бир нечта жиноят ишларини бирлаштириш ёки алоҳида иш юритувга олиш, айбга иқрорлик бўйича келишувлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга оид масалалари ҳамда мазкур тоифадаги ишлар борасида матбуот ва жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича АҚШ, Словения давлатлари тажрибалари билан танишилди.

Жонли мулокотлар жараёнида коррупцион жиноят турлари ва унинг иштирокчилариiga хатти-ҳаракатлари малакалаш ҳамда жазо тайинлаш, компенсация ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида ҳам сўз юритилди.



Коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари

Коррупциявий жиноятларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида "Пора берма" номли постер фуқаролар қабулхоналарига, "Пора олма" номли буклет судьяларнинг хизмат хоналарига жойлаштирилди.



Кенгаш ташаббуси билан **"Пушаймон"** қисқ метражли фильм суратга олинди. Фильмда иш фаолиятида коррупцияга йўл қўйган ва бунинг оқибатида бутун ҳаёти остин-устун бўлиб кетган собиқ судьянинг аянчли тақдирни ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур фильм жойларда ўтказилган маърифий тадбирларларда судьяларнинг оила аъзоларига намойиш этилди.

Бундан кўзланган мақсад соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини қарор топтириш.

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси томонидан судьялар билан профилактик сухбат ўтказилди.





Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш

Судьялар олий мактабининг фаолияти

2024 йилнинг 4-15 июль кунлари Судьялар олиш кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг магистратура тингловчилари учун якуний давлат аттестация синовлари ўтказилди. Якуний давлат аттестацияси синови натижаларига кўра мактабни **153** нафар тингловчи муваффақиятли тугатди.

153

Нафар магистратура
tinglovchisi

48

Жиноят ишлари
бўйича

47

Фуқаролик
ишлари бўйича

47

Иқтисодий
ишлари бўйича


30

Маммурий ишлари
бўйича



2024 йил 16 июль куни судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсининг 2023/2024 ўқув йили битирувчилари учун тантанали диплом топшириш тадбири ташкил этилди. Тадбирда Судьялар олий кенгаши раиси, аъзолари ва Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари иштирокэтишди.

2024 йил 15 август кунлари судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура ўқув курсига қабул қилиш учун синов имтиҳонлари бўлиб ўтди. Имтиҳон натижаларига кўра, **1030** нафар даъвогардан **187** нафари Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчилари сафига қабул қилинди.



2020-2024 йилларда Судьялар олий мактабини **498** нафар номзод битирди.



Битиравчиларнинг **317** нафари ёки **92** фоизи судьялик лавозимларига тайинланди.



Судьялар олий мактабида малака оширган судьялар


Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлари бўйича



Маъмурий ишлари бўйича




Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлари бўйича



Маъмурий ишлари бўйича



174

нафар судьялар малака ошириш курсларида малакасини оширган.

157

нафар суд ходимлари малака ошириш курсларида малакасини оширган.

2024 йил январь-июн ойларида жами **331** нафар тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган. Шулардан **157** нафари **59** нафари жиноят ишлари бўйича, **53** нафари фуқаролик ишлари бўйича, **28** нафари маъмурий, **17** нафари иқтисодий судьялар, **174** нафари **56** нафари жиноят ишлари бўйича, **60** нафари фуқаролик ишлари бўйича, **28** нафари маъмурий, **28** нафари иқтисодий, **2** нафари ҳарбий суд суд аппарати ходимлариdir.



Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик



2024 йилнинг ўтган олти ойида давомида Кенгаш фаолиятига оид марказий телевидение, етакчи босма ва электрон нашрларда **162** та матнли, **46** та видеоматериал эълон қилинди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган **34** та танқидий материаллар юзасидан ўз вақтида муносабат билдирилди.

Кенгаш матбуот хизмати томонидан ҳар чоракда брифинг ўтказиб келинмоқда. Матбуот анжуманлари ва брифинглар “O’zbekiston-24”, “Uzreport” телеканаллари орқали тўғридан тўғри эфирга узатилди. Кенгаш фаолияти “O’zbekiston-24”, “Uzreport” телеканалларидан ташқари “O’zbekiston”, “MY-5”, “Sevimli”, “Renesans-TV”, “Mahalla” телеканалларида, “Kun.uz”, “Daryo”, “Xabar.uz”, Uza.uz “Rost-24” каби етакчи веб-сайтлар ҳамда “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон овози” газеталарда мунтазам ёритилиб келмоқда.



Кенгаш ахборот ресурслари ўқувчилари доираси янада кенгайди, хусусан, телеграм-канали обуначилари сони 14.000 нафарга яқинлашди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил

Судлар номи	2022 1- ярми	2023 1- ярми	2024 1- ярми
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари	3597	2851	3991
Суд қарорлари юзасидан	2575	1529	2735
Судьяларнинг хатти-харакатлари юзасидан	179	182	409
Бошқа масалалар юзасидан	843	1140	847
Шикоят ва такрорий мурожаатлар	358	68	254
Ишонч телефонлари орқали	1663	1225	1572
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси	1539	1264	2400

Мурожаатларнинг қўриб чиқилиши



Келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра **20** та мурожаат қаноатлантирилган,

Суд қарорлари юзасидан келиб тушган **2735** та шикоятдан **1009** таси фуқаролик, **1419** таси жиноят, **120** таси иқтисодий, **210** таси маъмурий судлар томонидан чиқарилган қарорларга тўғри келади.

1 та мурожаат рад қилингандан, **948** та мурожаат тааллуқлилиги бўйича юборилган, **297** та мурожаат кўрмасдан қолдирилган,

67 та мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **2249** та мурожаат юзасидан тушунтиришлар берилган, **409** та мурожаат бўйича Кенгаш ва жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўрганиб чиқиш учун юборилган.

Бундан ташқари, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **174** та шикоятдан **76** (2023 йилнинг 1-ярмида 125) таси фуқаролик, **71** таси жиноят, **13** таси иқтисодий, **14** таси маъмурӣ суд судьяларига тўғри келади.


Судьянинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **409** та мурожаатнинг **70** тасида важлар ўз тасдиғини топган бўлиб, **8** нафар судья лавозимидан озод этилган, **18** тасига “ҳайфсан” интизомий жазо чораси, **19** тасига “огоҳлантириш” ва **3** тасига “жарима” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш, асоссиз ва такrorий мурожаатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора тадбир белгилаш учун Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатларига юборилди.



Ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйганлиги, қўпол муносабатда бўлинганлиги ёки судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига зид бошқа хатти-ҳаракатларни содир этганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушган ҳамда илк бор судьялик лавозимига тайинланган номзодлар билан **69** маротаба сухбат ўтказилиб, расман огоҳлантирилган.

Мурожаатларни ўрганиш динамикаси



"Ибратли судья" мукофоти билан тақдирланган судьялар

Жорий йилда фаолият қўрсатиб, ўзининг чуқур билими, одоб-ахлоқи ва маънавий фазилатлари билан касбдошларига намуна бўлаётган, **15** нафар судья “Ибратли судья” мукофоти билан тақдирландилар.



"Ибратли судьялар" анжумани



2024 йилнинг 18 май куни Судьялар олий кенгаши ва “Минтақавий муроқот” (Словения) халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигида “Ибратли судья” анжумани ўтказилди. Конференциянинг асосий иштирокчилари “Ибратли судья” мукофотининг соҳиб ва соҳибалариридир. Шунингдек тадбирда АҚШ Орегон федерал туман судьяси Мустафо Касубхай ва Жанубий Калифорния федерал туман судьяси Эллисон Годдард, “Минтақавий муроқот” халқаро ташкилоти директори Мьюша Север, ушбу ташкилот эксперти Горан Клеменсич қатнашди. Конференцияда, ҳар икки давлатдаги судьялар лавозими учун жорий этилган талаб ва қоидалар, мазкур лавозимга танлаш ва тайинлаш тартиблари, буларнинг ҳуқуқий асослари ҳам сўз юритилди. Профессионал судьялар корпусини шакллантиришда уларнинг тажрибаси ва малакасидан фойдаланишга эътибор қаратмоқдир. Бунинг назария ва амалиёт ўртасида ўйғунлик барқарорлигида аҳамияти катта бўлиб, пировардида, одил судлов сифатини оширишга хизмат қиласди. Иккинчидан, бундай тадбир “Ибратли судья” мукофоти эгаларининг масъулият ва мажбуриятини янада оширишга ҳам таъсири бор. Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, айрим мезонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, масалалари муҳокама қилинди.





«Суд фахрийси» кўкрак нишони



Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан яна **25** нафар устозларнинг кўксига “Суд фахрийси” кўкрак нишони тантанали равишда тақиб қўйилди. Шу муносабат билан Судьялар олий кенгашида ўтган мухтасар тадбирда фахрийларнинг меҳнатлари яна бир бор ҳақли равишда эътироф этилди.

Кўкрак нишони таъсис этилгандан буён жами **227** нафар фахрий тақдирланди.



Ўзбекистон Судьялар клуби



Судьялар клубининг электрон платформасида судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга кўмаклашиш тизими яратилди.

Клубнинг онлайн форумида суд амалиётига оид **35506** та мавзу бўйича ўзаро **489924** маротаба фикр алмашинилди, Иқтисодий ишлар бўйича **34475** та масала муҳокама қилинди.

Форумда фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти **36124** марта, жиноят ишлари бўйича суд амалиёти **28425** марта, маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти **35506** марта муҳокама қилинган.

Форумда :

- судьялар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиялар; одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушунтиришлар; судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар;
- судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;
- судьянинг маънавияти;
- суд тизимидағи янгиликлар ва судьялар учун эълонлар бўлимида мулоқот қилиш имкони яратилди.



Судьялар клубига янги бошқарувчи тайинланди

Судьялар олий кенгаши қарори билан Маликахон Қаландарова Кенгаш хузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби бошқарувчиси этиб тайинланди. М. Қаландарова тизимнинг фаол ва тажрибали вакилаларидан.

Юридик фанлари номзоди, доцент. Халқаро аёл судьялар ассоциацияси аъзоси. 2021 йилдан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Судьялар клуби бошқарувчиси, шунингдек, Клубнинг маъсул аъзолари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.



Судьялар клуби форумида муҳокамалар статистикаси



Ҳозирги кунда Судьялар форумида **1660** нафар фойдаланувчилар мавжуд, шундан **198** нафарини аёл судьялар ташкил этади



Халқаро хуқуқий хамкорлик сохасидаги ишларни мувофиқлантириш

Welcome to Judiciaries Worldwide

A Resource on Comparative Judicial Practice
by the **Federal Judicial Center**

[Learn More →](#)

 <p>Saudi Arabia</p> <p>Saudi Arabia is a monarchy with a strong historical alliance between the nation's rulers and the clergy. For many years after the Saudi state was created, Islamic law was uncodified and applied...</p> <p>Read More</p>	 <p>Turkey</p> <p>After the collapse of the Ottoman empire in the 1920s, Turkey was founded as a secular constitutional republic. Although Islam is the dominant religion practiced in Turkey, its government is...</p> <p>Read More</p>	 <p>United Kingdom</p> <p>The United Kingdom is a monarchy; the head of state is an unelected position, occupied by virtue of birth. The British monarch has been a mostly ceremonial figure since the mid-17th century, but...</p> <p>Read More</p>
 <p>United States</p> <p>The Constitution of the United States (1789) is one of the oldest written constitutions in the world; it is also among the shortest at only four pages. The US constitution sets forth a federal...</p> <p>Read More</p>	 <p>Uzbekistan</p> <p>Uzbekistan is located at the crossroads of Central Asia and the Middle East. It was the heart of the ancient Silk Road, the commercial link between Europe and Asia from the 2nd century BC into the...</p> <p>Read More</p>	 <p>Vietnam</p> <p>National policy in the Socialist Republic of Vietnam is established by the Vietnam Communist Party which convenes a Party congress every five years. The National Assembly is the highest organ of...</p> <p>Read More</p>

АҚШ Федерал суд маркази томонидан юритиладиган хорижий давлатлар суд тизимлари ҳамда қиёсий суд амалиётини таҳлил қилувчи порталга Судьялар олий кенгashi ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти түғрисида маълумот киритилди.

Порталда 20 дан зиёд давлатлар суд тизимлари түғрисида маълумот ҳамда

хуқуқий мавзуларда таҳлилий мақолалар берилган.

Мазкур порталда Ўзбекистон суд тизими ҳақида маълумот жойлаштирилиши мамлакатимизда амалга оширилган суд-хуқуқ ислоҳотларининг самараси түғрисида бутун дунё ҳуқуқшуносларини хабардор қилиш ҳамда юртимиз суд тизими билан яқиндан танишиш имконини беради.

СЛОВЕНИЯ



2024 йилнинг 1-январ куни Судьялар олий кенгаши ва «**Минтақавий мулоқот**» (Словения) нодавлат халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигига “Шахсга нисбатан судгача эҳтиёт чора қўллаш асослари: хориж тажрибалари” мавзуида икки кунлик халқаро семинар бўлиб ўтди. Халқаротадбирда АҚШ, Словения давлатлари суд тизими вакиллари, халқаро эксперталар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жиноят ишлари бўйича судлар судьялари,

шунингдек, Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабининг (жиноят ҳуқуқи йўналиши бўйича таҳсил олаётган) тингловчилари иштирок этишди.



АҚШ



2024 йилнинг 5-феврал куни Судьялар олий кенгашида “East-West Management Institute” (АҚШ, USAIDнинг дастурий ҳамкори) ташкилотининг Ўзбекистондаги офиси халқаро эксперти Инга Тодриа билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Кенгаш ва мазкур халқаро ташкилот ўртасидаги ҳамкорликдан тарафлар мамнунлик билдириди. Сўнг судьялар этикаси мавзуида мухтасар суҳбат бўлиб ўтди.

Мавзунинг муҳим ва долзарблигидан келиб чиқиб, яқин келажакда Судьялар одоб комиссиялари аъзолари иштироқида ўқув-семинар ташкил этиш ва тажриба алмашишга келишиб олинди. Шунингдек, ҳамкорликнинг яқин истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

ИСПАНИЯ




2024 йилнинг 24-февраль куни АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) лойиҳаси кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Судьялар олий кенгashi, Олий суди ҳамда Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби судьялари ва ходимларидан иборат делегациянинг жорий йил 19 – 22 февраль кунлари Испания қироллигининг Судьялар бош кенгashi ҳамда Судьялар мактабига ташрифи амалга оширилди. Ташриф давомида Испания Судьялар бош кенгashi ҳамда Судьялар мактаби фаолияти ўрганилиб, судьялик лавозимларига

номзодларни тайёрлаш, судьялар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг узлуксиз таълими масалалари юзасидан тажриба алмашилди.

Мулоқот жараёнида Ўзбекистонда амалга оширилган суд-хукуқ ислоҳотлари тўғрисида ҳам маълумот берилди.



ҚИРГИЗИСТОН



2024 йилнинг 24-апрель куни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashiда Қирғиз Республикаси Судьялар кенгashi аъзоларидан иборат делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда изчил давом этаган суд-хукуқ ислоҳотлар, уларнинг натижалари билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюрган қардош халқ делегациясига юртимизда профессионал судьялар корпусини шакллантириш, бу жараёнда жорий этилган янги тартиблар, судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, танлов асосида танлаш ва тайинлаш, тизимда очиқлик ва шаффоффлик таъминлашнинг ҳукуқий асослари бўйича батафсил маълумот берилди.

Дўстона ва конструктив ўтган учрашувда икки давлат судьялари ҳамжамиятлари ўртасида тажриба алмashiш ва ҳамкорликнинг истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

ТУРКИЯ



2024 йилнинг 23-25 май кунлари Истамбул шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлар судьялар кенгаши раислари ва вакилларининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо мамлакатларнинг Судьялар кенгаши, унинг вазифа ва ваколатлари бўйича тақдимотлари ўтказилди. Жумладан, анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.



Аъзо мамлакатлар тақдимотидан сўнг ҳамкорликнинг истиқболлари фаол муҳокама қилиниб, якуни бўйича тегишли ҳужжатлар имзоланди.




ҚОЗОҒИСТОН



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида Қозғистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши раиси Денис Шипп бошчилигидаги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Айтилдики, икки қардош давлат ўртасидаги




алоқаларнинг жадал ривожи барча жабҳаларда ўз аксини топмоқда. Айни жараён судьялар ҳамжамиятлари ўртасидаги фаол ҳамкорлик икки томон учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Украшувда қардош халқ судьялар ҳамжамияти вакилларини юртимизга ташрифи билан қутлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари,



хусусан, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, уларни танлашлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича жорий этилган очиқ ва шаффофф тизим, уларнинг ҳуқуқий асослари ва амалий натижаларида ҳақида атрофлича маълумот берилди.


Ибрат мактаби



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан Алишер Мардиевнинг мазмунли ва синовли ҳаёти ва серқирра фаолияти тўғрисида "Муносиб яшамоқ баҳти" номли китоб нашр этилди. Унда машҳур ҳуқуқшуноснинг мамлакатимиз юриспруденцияси тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ноёб архив материаллари ва далиллар асосида очиб берилган.



Судьялар олий кенгашининг мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ҳаёти ва фаолияти ибрат мактабига айланган устозлар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар нашр этилиши мақсадга мувофиқдир. Мақсад - маърифат ва маънавият элчилари бўлмиш китоблар орқали бўлажак ҳуқуқшуносларни тарбиялаш, судьялар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини касбига садоқатли инсонлар бўлиб шаклланишига ҳисса қўшишdir.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Умсун Астанованинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ёзувчи Арслон Эшмуродов қаламига мансуб “Матонатли аёл қиссаси” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.


Форишлик оддий қишлоқ аёли Умсун опа Астановани нафақат Жиззах вилоятида, балки республикамизда ҳам кўпчилик яхши танийди.

Оддий деҳқон оиласида туғилиб вояга етган Умсун опа Астанова оддий

ишчиликдан туманнинг суд раиси лавозимигача бўлган машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. **“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос”** фахрий унвонига сазовор бўлди.



“Матонатли аёл қиссаси” асарида опанинг ҳаёт йўли ҳаётий воқеалар асосида бадиий талқин қилинган. Муаллиф асарда қишлоқ аёлининг оддий ишчиликдан туман суди раиси даражасига бўлган ҳаёт йўлини ёрқин чизгиларда баён этган.



Конституция байрами арафасида Судьялар олий кенгashi ташаббуси билан ўзига хос маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда бу йил умумхалқ референдуми орқали мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилингани қайд этилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадри – боштамойил сифатида белгиланиб, “инсон – жамият – давлат” тизими асосий йўналиш сифатида белгиланди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституцияда Судьялар олий кенгashi таркибини демократик тарзда шакллантиришга оид янги норма киритилди.

Конституция байрами арафасида ушбу туркумдаги яна бир китоб нашрдан чиқди. Журналист Турсунали Акбаров қаламига мансуб “**Одиллик ва оддийлик саодати**” номли мазкур китобда салкам чорак аср Конституциявий судда (3 йил судья, 13 йил раис ўринбосари, 7 йил раис сифатида) фаолият кўрсатган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Бахтиёр Мирбобоевнинг осон кечмаган ҳаёт йўли, у киши ҳақида ўқилмаган ҳақиқатлар ўзига хос услубда баён қилинган.



Устозлар фахримиз



**Astanova
Umsun**

1932 yilda Forish tumanida tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'satgan yurist faxriy unvoni, "Mehnat o'mak kor'satganligi uchun", "Mehnat faxriysi", "Shuhrat" medallari, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibasi.

U.Astanova 1945 - 2011 yillarda tuman kommunal xo'jaligi idarinasida hisobchi, tuman FHDYo muadilasi, qitmo'y ta'min bo'limiga riyochisi, tuman ifrota-yo'go'g'ning "t'ribosari, tuman sudining sifatida "Sog'lon avlod uchun" jang'ormasi Forish tuman tanaychi punkti direktori hozirzimizda faoliyat ko'satqan.

O'zbekiston Respublikasi Sudalar olyi kengashi Umsun Astanova tahsil alib, katta hayotga il qadamlarini qo'yan Forish tuman i-namumta'lim muktabiga ishkakku izbor qildi.

**O'zbekiston Respublikasi
Sudalar olyi kengashi**



**Mardiyev
Alisher
Mardiyevich**

1951 yilda Samarcand viloyati, Kattaqo'rg'on tumanida tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'satgan yurist, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

A.Mardiyev 1973 - 2011 yillarda Jizzax, Pastachi, Pастарг'ом tumani prokuraturasida prokurator yordamchisi, tergoevchi, Samarcand viloyat sudining sifatida, rais o'rincobosari, rais, Prezident devonasi mas'ul xodim, viloyat adliya boshqarmasi boshlig'ining o'rincobosari, boshlig'i, Samarcand viloyati hokimining birinchi o'rincobosari, viloyat hokimi, Adliya vaziri, fuqarolik ishlari bo'yicha Samarcand viloyat sudining raisi lavozimlarida faoliyat ko'satqan.

Alisher Mardiyev sifatida yuksak marbiyaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos iibrat muktabi yaratqanligi alohida e'tirofga molib.

Alisher Mardiyevga ilk ta'lim berilg'i, katta hayot yo'liga chiqqargan ustoz-murababiyalariga, xususan, u tahsil olgan Samarcand viloyati, Kattaqo'rg'on tumanı 25-anumta'lim muktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izbor qilamiz.

**O'zbekiston Respublikasi
Sudalar olyi kengashi**



**Mirboboyev
Baxtiyor
Shamsutdinovich**

1946 yilda Toshkent shahrida tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'satgan yurist, "Mehnat shuhrati" ordeni, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi, yuridik fanlari nomzodi, dotsent.

B. Mirboboyev 1969 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

U. 1969 - 2021 yillarda O'FEA Falsafa va huquq institutida ilmiy xodim, Toshkent yuridik universitetida katta o'qituvchi, dekan, prorektor, Adliya vaziri o'rincobosari, Prezident davlat maslahatchisi, Konstitutsiyaviy sudi raisining o'rincobosari, Konstitutsiyaviy sudi raisining hozirzimizda faoliyat ko'satqan.

Baxtiyor Mirboboyevga ilk ta'lim berilg'i, katta hayot yo'liga chiqqargan ustoz-murababiyalariga, xususan, u tahsil olgan Toshkent shahar, Yousubobod tumamligi 70-anumta'lim muktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izbor qilamiz.

**O'zbekiston Respublikasi
Sudalar olyi kengashi**



**Abdusalomon
Mirza-Ulug'bek
Elchiyevich**

1951 yilda Sirdaryo viloyati, Yangiyo'r tumanida tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'satgan yurist faxriy unvoni, "Mehnat shuhrati", "Do'stilik" ordenlari, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi. Yuridik fanlari nomzodi.

M.Abdusalomonov 1975 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

M.Abdusalomonov 1975-2021 yillarda Sirdaryo viloyat prokururatasida belgilik prokurori, katta yordamchi, Xovos tuman sudining raisi, Respublika rabbarlilik idoralarida mas'ul sodim, Adliya vaziri o'rincobosari, vazirining birinchi o'rincobosari, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi raisining raisi, Marshakzi saylovi komissiyasining raisi lavozimlarida faoliyat ko'satqan.

2021 yilda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining raisi.

Mirza-Ulug'bek Abdusalomonova ilk ta'lim berilg'i, katta hayot yo'liga chiqqargan ustoz-murababiyalariga, xususan, u tahsil olgan Boyovot tumanidagi 50-anumta'lim muktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izbor qilamiz.

**O'zbekiston Respublikasi
Sudalar olyi kengashi**



**Jamolov
Baxtiyor
Uroqovich**

1958 yilda Samarcand viloyati, Payariq tumanida tug'ilgan.

"Do'stilik", 2-darajali "Shon-sharaf" ordenlari, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

B.Jamolov 1980 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

B.Jamolov 1986 - 2021 yillarda Bolung'ur tuman prokurori yordamchisi, Kattaqo'rg'on shahar prokurori o'rincobosari, Samarcand viloyat prokururasi katta tergoevchi, Navoiy va Jizzax viloyatlar prokurori, Navoiy viloyat sudining raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi raisining o'rincobosari lavozimlarida faoliyat ko'satqan.

Ayni paytda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xalq qizilnomasini muddifi.

Baxtiyor Jamolova ilk ta'lim berilg'i, katta hayot yo'liga chiqqargan ustoz-murababiyalariga, xususan, u tahsil olgan Samarcand viloyati, Payariq tumanidagi 74-anumta'lim muktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izbor qilamiz.

**O'zbekiston Respublikasi
Sudalar olyi kengashi**



**Talibov
Karim**

1940 yilda Buxoro viloyati, G'ijduvon tumanida tug'ilgan.

"Shuhrat" medali, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

K. Talibov 1969 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tugatgan.

K. Talibov 1964 - 2006 yillarda Farg'ona politexnika institutida o'qituvchi, Dang'ara tuman prokururatasida prokuror katta yordamchisi, Q'on shahar sudining sudiyasi, Farg'ona shahar sudining raisi, Farg'ona viloyat adliya boshqarmasi boshlig'i, Farg'ona viloyat sudining sudiyasi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining sudiyaslavozimlarida faoliyat ko'satqan.

Karim Talibov sifatida yuksak marbiyaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos iibrat muktabi yaratqanligi alohida e'tirofga molib.

Karim Talibova ilk ta'lim berilg'i, katta hayot yo'liga chiqqargan ustoz-murababiyalariga, xususan, u tahsil olgan G'ijduvon tumamligi 5-anumta'lim muktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izbor qilamiz.

**O'zbekiston Respublikasi
Sudalar olyi kengashi**



**Xasanov
Xolmamat
Maxmudovich**

1957 yilda Sirdaryo viloyati, Gulistan tumanida tug'ilgan.

Melakot sifatida, "Sud faxriysi" hamda birinchi darajali "Mehnat faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

X.Xasanov 1983 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan. Xalq horjigidi, Xalq horjigidi va Adliya vaziri sifatida foydali vurgagan. 1994-2000 yillarda Qashq shahar sudi sudoyi, viloyat sudi sudoyi, 2000-2005 yillarda Respublika Oliy sudi sudoyi. Harbiy huj'at sifatida Chilonzor tuman sudi raisi, 2007-2012 yillarda O'rbiqshohoye viloyat sudi raisi, 2012-2013 yillarda O'zbekiston Sudalar Asosiyatishasida bosh huj'at, rais o'rincobosari o'rincobosari bilan kuchlashtirilgan. 2018 yilda Toshkent shahar ma'muriyoti muddatosi sedyat vaqtida tayselegan. Hozirgi kunda Toshkent viloyat sudiда sifatida.

Uning sudvalar uchun qolmagan, suduning mas'uliyati, madaniyatni va edobi hissasida bir nechta risolatlar chop etilgan. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Khurromatdin Hasan taxallusi ostida uning "Obava", "Qoldimiy qo'shi", "Ul kamon un idom", "Salavatlarin salovatchi", "O'sev - oppaq o'sev", "Ko'za a'shar", "O'sev - o'sev", "O'sev - o'sev", "O'sev - o'sev", "Chun qur'ona shaxshalar chayniga", "O'sev sonmali hay'at" deb nomlantirilgan huj'atlar.

Vul'sat, marbaliyli hisqebunov Xolmamat Maxmudovichning ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos iibrat muktabi yaratqanligi alohida e'tirofga molib.

Xolmamat Xasanovga ilk ta'lim berilg'i, katta hayot yo'liga chiqqargan ustoz-murababiyalariga, xususan, u tahsil olgan Dzhaparov Shavkat bilan shaxshalar chayniga.

O'zbekiston Respublikasi Sudalar olyi kengashi



**Ismailov
Olimjon
Xamitovich**

1963 yilda Toshkent shahrida tug'ilgan.

"Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

O.Ismailov 1986 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tugatgan.

O.Ismailov 1986 - 2021 yillarda advokat, Toshkent viloyat adliya boshqarmasida malakhatchi, O'zbekiston tuman sudarasi sudiyasi, tuman sudi raisi, Toshkent viloyat sudi raisining o'rincobosari, fuqarolik ishlari bo'yicha Toshkent viloyati sudining raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining sudiyaslavozimlarida faoliyat ko'satqan.

2021 yilda Toshkent viloyat sudi raisining o'rincobosari - fuqarolik ishlari bo'yicha sudoy hay'ati raisi.

Olimjon Ismailov sifatida yuksak marbiyaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos iibrat muktabi yaratqanligi alohida e'tirofga molib.


Olimjon Ismailova ilk ta'lim berilg'i, katta hayot yo'liga chiqqargan ustoz-murababiyalariga, xususan, u tahsil olgan Olmazor tumanidagi 15-anumta'lim muktabi ma'muriyati TASHAKKUR izbor qilamiz.

**O'zbekiston Respublikasi
Sudalar olyi kengashi**


Суд фахрийларининг фаолияти ёритилган лавҳалар тайёрланиб, улар таълим олган мактабларга ўрнатилди. Фахрийларни ардоқлаш, ёшларда қизиқиши ўғотиш мақсадида улар ўқиган мактабларда учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.



Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисолалар



Ўқув қулланмада ёзилган фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбизилик презумпцияси, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи, ҳеч ким қонунга хилоф ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилинmasлиги, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оиласвий сирга эга бўлиши, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлари, масалалари ёритиб берилган.



Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари томонидан “Фуқаролик ҳуқуқий фанлар бўйича тестлар” тўплами жорий қилинган. Ушбу тўплам судьялар, судьяликка номзодлар, талабалар, амалиётчилар ва бошқасоҳага қизиқувчилар учун маёқ бўлиб хизмат қиласди ва уларни фуқаролик ҳуқуқининг лабиринт йўла-клари бўйлаб маълум аниқликка олиб чиқади. Тестлар тўплами фуқаролик ҳуқуқий фанлар, шартнома ҳуқуқи институтидан тортиб то ворислик ҳуқуқи институти масалаларини, оиласвий ҳуқуқ билан бирга меҳнат ҳуқуқининг энг нозик жиҳатларини қамраб олган билимлар занжирини намоён қиласди.



Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби “Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашиш” номли дарслик чоп этилган. Дарсликда суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупция категорияларининг ҳуқуқий тавсифи, коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари мазмуни атрофлича ёритилиб, халқаро стандартлар асосида суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар баён қилинган.



Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисолалар




истагида бўлган бошқа шахслар учун мўлжалланган.

Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан “Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби” бўйича рисола ёзилган. Ушбу рисолада Ўзбекистонда иқтисодий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳамда суд хужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, қарор ва ажримлар устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунишилар берилган.

Бундан ташқари, иқтисодий судга мурожаат қилиш ва суд хужжатлари устидан шикоят қилишда суд харажатлари, шу жумладан, давлат божини тўлаш тартиби ва бошқа шу каби маълумотлар ҳам акс этган.

Рисола иқтисодий судларга мурожаат қилувчи фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, юридик шахсларнинг вакиллари ҳамда суд фаолияти билан яқиндан танишиш истагида бўлган бошқа шахслар учун мўлжалланган.



Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан “Иқтисодий ишлари бўйича суд хужжатлари намуналари (биринчи инстанция суди)” амалий қўлланма чоп этилган бўлиб, амалий қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси кўрсатилган иқтисодий ишлар юзасидан биринчи инстанция суди томонидан даъво аризасини (аризани) иш юритишга қабул қилишдан бошлаб, то иш мазмунан кўрилгуннига қадар чиқариладиган суд хужжатлари (ажримлар, суд буйруқлари, ҳал қилув қарорлари, қарорлар) намуналари келтирилган.




Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари томонидан “Иқтисодий ҳуқуқий фанлар бўйича тестлар” тўплами жорий қилинган.

Ушбу тўплам судьялар, судьяликка номзодлар, тингловчилар, амалиётчилар ва бошқа қизиқувчилар учун дастурамал бўлиб хизмат қиласди. Китобхонларнинг иқтисодий ҳуқуқининг асосий масалалари бўйлаб маълум аниқликка олиб чиқади.

Мазкур тестлар тўпламидан судьялар олий мактабининг ўқув жараёнида фойдаланиш тавфия этилди.

Судьялар одоби кодекси қабул қилинди



Кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида суд тизимида қатор янгиликлар, янги тартиб-қоидалар жорий этилди. Янги тартиб-қоидалар эса масалага ўзгача ёндошишни талаб этади. Шу ва шу каби омиллар, шунингдек, Кенгаш томонидан кейинги уч йилликдаги судьялар фаолияти таҳлили Судьялар одоби кодексинининг айрим қоидаларини янада такомиллаштириш баробарида уларга кенг эҳтиёжини пайдо қилмоқда.

Айни эҳтиёждан келиб чиқиб, Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан “Судьялар одоби кодексига шарҳлар” тўплами устида иш бошланди. Шу муносабат билан бугун Кенгаш раиси фармойиши билан тасдиқлаган (хуқуқшунос олимлар, тизимнинг катта тажрибага эга вакиллари, Судьялар олий кенгаши, Олий суд ҳамда қуии судлар судьяларидан иборат) ишчи гуруҳининг илк йиғилиши бўлиб ўтди.

“Судьялар одоби кодексига шарҳлар” китоби ўзбекчадан ташқари рус ва инглиз тилларига ҳам нашр этилиши кўзда тутилмоқда.

Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан шахмат бўйича турнир бўлиб ўтди





Суд тизимида соғлом мұхитни шакллантириш ва мазкур ақлий спорт турини янада оммалаштириш ҳамда юқори иқтидорга эга бўлган судьяларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган турнир “иккиталик сетка” (Double elimination) форматида кечди.

Судьялар олий кенгаши вакиллари ташкилотчиликдан ташқари ҳакамликни ҳам зиммалари олди.



Тўрт босқичдан иборат мусобақа ғолиблигини бу йил ҳам Нурали Жавлиев бегона қилмади. Ўтган йили ғолиб бўлганида у Тошкент шаҳар маъмурий суддининг судьяси эди, бу сафар Олий суд судьяси сифатида бош совринни қабул қилиб олди.

Ўтган йилги турнирда учинчи ўрин билан кифояланган жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди судьяси Алишер

Нурматов бу сафар иккинчи ўринга эга чиқди.

Учинчи ўрин Самарқанд вилоят суддининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси Беҳзод Жўраевга насиб этди. Ўтган йилги турнирни у кучли бешлиқда якунлаган эди.

Баҳслар шахматнинг яхшигина ҳадисини олган судьялар ўртасида ва муросасиз кечганини ғолиб ҳамда совриндорларнинг номиёқ айтиб турибди. Судьялар олий кенгашининг совғалари билан тақдирланди.

Қайдлар учун

Қайдлар учун

